

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР  
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ  
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН  
АКАДЕМИЯСИ  
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**2023-10/1**

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна  
Издается с 2006 года**

**Хива-2023**

<b>Jo'rayev F., Isoyeva L., Shodmonova M.</b> Makkajo'xori navlarining tomchilatib sug'orish agrotexnologiyasi	92
<b>Ostonaqulov T.E., Ismoyilov A.I., Shamsiyev A.A.</b> Ikkihosilli ekin sifatida kartoshka navlarining mahsuldorligi	95
<b>Shamsiyev A., Norqulov U., Eshonqulov J.</b> Sardoba suv ombori toshqinidan keyin ekilgan moyli va yem-xashak ekinlarining iqtisodiy samaradorlik ko'rsatkichlari	98
<b>Абдримова Г.Е., Умбетбаева Г.Б.</b> Ўзбекистоннинг ўзгарувчан экологик шароитлари учун тут ипак курти дурагайлари яратиш ва жорий этиш	101
<b>Ботирова Н.Т., Мавлянов Д.Р.</b> Ҳар хил муддатда тупроққа асосий ишлов бериш ва ғўзани амал даврида “serhosil” биопрепаратини қўллашнинг самарадорлиги	105
<b>Есемуратова Р.Х.</b> Султон Увайс тоғининг ем-хашак ўсимликлари	109
<b>Жуманиязов А., Эгамова Д.Д., Юсупова З.Х., Каримов Р.А.</b> Хоразм вилояти шароитида СП-40 навининг баргларидаги фотосинтез жадаллиги	113
<b>Маматкулова Ф.А., Джалилова Г.Т., Маматкулова З.Г.</b> Климатические факторы, предопределяющие возможность проявления эрозионно-селевых процессов в горных территориях	118
<b>Маткаримов Ф.И., Бабоев С.К., Досчанов Ж.С.</b> Мош ўсимлигининг уруғ унувчанлиги ва уруғ униш кучи индексига микробиологик ўғитларнинг таъсири	122
<b>Рузметов Д.Р.</b> Дуккакли дон экинларнинг илдиз курук ёки кора-кўмир чириши касаллиги мониторинги	125
<b>Сатилов Г.М., Сапаева Г.А.</b> Тажриба ўтказиш усули ва услублари	129
<b>Файзуллаева Д.У., Сарманов Ш.Ш.</b> Ширин маккажўхори ўсимлигининг экиш зичлиги ва ўғитлаш меъёрларининг битта сўтадаги донлар оғирлиги ҳамда сифат кўрсаткичларига таъсири	136
<b>Халилова М.Р., Буриева Д.И., Раззоқова Д.Р.</b> Бухоро воҳаси суғориладиган ўтлоки тупроқлардаги озика моддалар миқдори	140
<b>Ҳакимов А.Э., Эргашев О.Р., Раҳмонов С.Д.</b> Ўрта толали ғўзанинг ЎзФА-711 навига хос бўлган айрим хўжалик кўрсаткичларини бир неча авлодларда такомиллаштирилиши	143
<b>Шыхыев Р.М.</b> Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ахборот технологияларидан самарадорли фойдаланиши	147
<b>КИМЁ ФАНЛАРИ</b>	
<b>Abdullaeva Z.</b> Coordination of 2-(diethylamino)ethyl-4-aminobenzoate with nickel (II) chloride	152
<b>Абдуллаева З.Ш.</b> Синтез координирующих соединений формиата никеля (II) с ацетатами цинка и кальция	156
<b>Абдуллаева З. Ш., Курбанова Р.С., Каримова Д.З., Отаханов З.Б.</b> Координационные соединения формиата меди (II) с ацетатами натрия и бария	160
<b>ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ</b>	
<b>Алланов Қ.А., Чориев А.Қ.</b> Ҳозирги иқлим ўзгариши шароитида сурхондарё вилояти сув ресурсларидан унумли фойдаланиш	164

ўсимлик/га экилган вариантларнинг намлик ва оксил миқдори кам бўлган бўлса, экиш зичлиги 75.000 ўсимлик/га экилган вариантларда юқори бўлганлиги аниқланди.

**Хулоса.** Олиб борилган тадқиқод натижаларига кўра, экиш зичлиги 75.000 ўсимлик/га ва ўғит меъёри соф холда 120 кг N/га қўлланилганда намлик миқдори ширин маккажўхори ўсимлиги Замон навида 11,4%, Мазза навида 10,3 %, оксил миқдори эса Замон навида 19,9 %, Мазза навида 19,3 % бўлганлиги аниқланди. Натижалардан шуни кўриш мумкинки, ширин маккажўхори ўсимлиги 75.000 ўсимлик/га экилганда ва ўғит меъёри соф холда 120 кг N/га қўлланилганда дон сифат кўрсаткичлари бошқа вариантларга нисбатан юқори бўлганлиги қайд этилди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Khazaei F. et al. Study the correlation, regression and path coefficient analysis in sweet corn (*Zea mays* var. *saccharata*) under different levels of plant density and nitrogen rate //Journal of Agricultural and Biological Science. – 2010. – Т. 5. – №. 6. – S. 14-19.

2. Singh U. et al. Productivity, economics and nitrogen-use efficiency of sweet corn (*Zea mays* *saccharata*) as influenced by planting geometry and nitrogen fertilization //Indian Journal of Agronomy. – 2012. – Т. 57. – №. 1. – S. 43-48.

3. Маккажўхори уетиштириш [Матн] : илмий нашр / «Агробанк» АТБ. - Тошкент: "ТАСВИР" нашриёт уйи, 2021. – 36 б.

4. Атабаева Х. Н., Худайкулов Ж. Б. “Ўсимликшунослик”, “Фан ва технологиялар” нашриёти, Тошкент. - 2018.– 32 б.

УЎК 631.4

### БУХОРО ВОҲАСИ СУҒОРИЛАДИГАН ЎТЛОҚИ ТУПРОҚЛАРДАГИ ОЗИҚА МОДДАЛАР МИҚДОРИ

*М.Р.Халилова, ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро  
Д.И.Буриева, ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро  
Д.Р.Раззоқова, ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро*

**Аннотация.** Мақолада суғориши даврийлигининг ўтлоқи тупроқлардаги гумус ва озиқа моддаларига таъсири кўрсатилган, тупроқ суғориши даврийлигининг ошиши билан гумус ҳамда озиқа моддалар миқдори тупроқ кесмасининг чуқур қатламларида ҳам бирмунча ошганлигини кўрсатади. Тупроқларда гумус, озиқа моддалари (азот, фосфор, калий) заҳираси бўйича кескин фарқ қилмасда, туман тупроқлари ўртасида бирмунча фарқлини кузатилган.

**Калит сўзлар:** гумус ва озиқа моддалар заҳираси, яли ва ҳаракатчан азот, фосфор, калий, суғориладиган ўтлоқи тупроқлар,

**Аннотация.** В статье показано влияние давности орошения на гумусные состояние почв и содержание питательных веществ, с увеличением давности орошения в глубоких слоях профиля почв, содержание гумуса и питательных элементов повышается. В почвах по запасам гумуса, питательных элементов (азот, фосфор, калия) резких различий не наблюдалось, но по районам можно отметить различия.

**Ключевые слова:** запасы гумуса и питательных элементов, валовые и подвижные формы азота, фосфора, калия, орошаемые луговые почвы.

**Abstract.** The article shows the influence of the prescription of irrigation on the humus state of soils and the amount of nutrients, with an increase in the prescription of irrigation on the deep layers of the soil profile, the amount of humus and nutrients increases. In soils, there were no sharp differences in the reserves of humus, nutrients (nitrogen, phosphorus, potassium), but differences can be noted across regions.

**Key words:** reserves of humus and nutrient elements, gross and mobile forms of nitrogen, phosphorus, potassium, irrigated meadow soils.

**Кириш.** Республикамізда суғориладиган тупроқлардан самарали фойдаланишда ресурстежамкор технологияларни жорий этиш орқали илмий асосланган деҳқончиликни ривожлантириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада

тупроқ агрокимёвий хоссаларини мақбуллаштириш, унумдорлигини ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишга эришилмоқда. «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5853-сонли фармони, 2020 йил 7 сентябрдаги “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6061-сонли фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 июндаги 510-сонли «Қишлоқ хўжалигида тупроқнинг агрокимёвий таҳлил тизимини такомиллаштириш, экин ерларида тупроқнинг унумдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида мамлакатда озик-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини ошириш, қишлоқ хўжалигида тупроқнинг агрокимёвий таҳлил тизимини такомиллаштириш, экин ерларида тупроқнинг унумдорлигини ошириш ва сақлаш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш, қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш, соҳада янги технологияларни қўллаш буйича илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш кўрсатиб ўтилган. Тупроқларда озика моддаларнинг етарли бўлиши тупроқ унумдорлигини белгилайди ва ўсимликлардан олинadиган ҳосилдорликни юқори бўлишини таъминлайди. Тупроқ унумдорлигини аниқлаш, сақлаш ва ошириш бўйича кўпгина олимлар илмий тадқиқот ишлари олиб олиб боришган ва ишлаб чиқаришга тавсиялар беришганлигига қарамадан [1.1975.-34 с., 2. 2019.-62 б., 3. 2016.- С.109-110. 4. 2004.-120 б., 5.2019. С. 91-95. 6. 2019.-44 б. 7. 2016.- pp.268-269] тупроқ таркибидаги озика моддаларни ўрганиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Жадвал.

**Ўтлоқи тупроқлардаги гумус, карбонат ва озика моддалар миқдори**

Кесма №	Кесма чуқурлиги, см	Гумус, %	Азот	Фосфор	Калий	N-NO <sub>3</sub>	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	CO <sub>2</sub> Карбонатлар, %
			%			мг/кг			
<b>Вобкент тумани</b>									
2	0-27	0,94	0,056	0,26	2,3	46,8	11,5	108	7,25
	27-42	0,63	0,058	0,24	2,1	45,7	10,0	103	7,23
	42-70	0,41	0,048	0,27	2,4	25,7	8,0	80	7,04
	70-105	0,37	0,040	0,23	2,1	20,4	8,0	70	7,04
	105-135	0,31	0,040	0,20	2,0	17,5	7,3	65	6,82
	135-155	0,30	0,029	0,19	1,8	14,5	6,0	60	7,00
НСР - 10,2 P <sub>2</sub> % - 0,05									
<b>Жондор тумани</b>									
5	0-35	0,80	0,062	0,31	2,1	57,7	10,8	130	6,96
	35-50	0,62	0,058	0,29	2,3	50,1	9,5	118	7,04
	50-75	0,52	0,048	0,28	2,0	46,8	8,0	110	7,35
	75-105	0,41	0,050	0,26	1,8	45,7	7,3	93	7,34
	105-132	0,44	0,048	0,25	1,6	31,6	7,8	70	7,04
	132-180	0,36	0,045	0,24	1,5	25,7	6,7	63	7,00
НСР - 12,1 P <sub>2</sub> % - 0,05									
<b>Когон тумани</b>									
7	0-25	0,62	0,053	0,21	2,8	46,8	23,0	115	6,96
	25-38	0,60	0,034	0,23	2,6	25,7	15,1	108	6,75
	38-68	0,48	0,048	0,50	2,2	20,4	13,4	95	7,14
	68-96	0,60	0,057	0,37	2,1	19,5	10,0	88	7,28
	96-124	0,38	0,029	0,21	2,0	18,6	10,0	70	6,93
	124-155	0,28	0,024	0,17	1,8	17,5	8,0	65	6,90
	155-185	0,26	0,023	0,16	1,6	14,5	7,3	60	7,07
НСР - 9,4 P <sub>2</sub> % - 0,05									
<b>Қорақўл тумани</b>									
9	0-35	0,86	0,056	0,29	2,0	50,1	23,5	140	7,34
	35-62	0,59	0,043	0,23	2,1	46,8	18,3	115	7,21
	62-90	0,40	0,045	0,25	2,0	31,6	11,5	128	7,12
	90-115	0,50	0,050	0,24	1,8	20,4	11,5	115	7,07
	115-147	0,46	0,048	0,21	1,6	21,9	10,0	103	6,93
	147-186	0,38	0,029	0,16	0,8	12,9	7,5	93	6,79
НСР - 9,6 P <sub>2</sub> % - 0,05									

Тадқиқотнинг объекти сифатида Зарафшон дарёси қуйи оқими ҳудудида жойлашган Вобкент, Когон, Жондор, Қорақўл туманларида тарқалган суғориладиган ўтлоқи тупроқлар танлаб олинган. Изланишлар тупроқ-дала ва аналитик лаборатория шароитларида олиб борилган. Бухоро воҳасининг ўрганилган тупроқларда гумус миқдорининг Вобкент, Жондор,

Қоракўл туманларида (0,94%-0,80%) Когон туманига нисбатан ҳайдов қатламида бир мунча кўплиги аниқланган (0,62%). Шу билан бирга пастки қатламларга қараб, гумус миқдорининг тарқалишида туманлар ўртасида кескин фарқ сезилмайди, яъни кесмалар бўйича гумуснинг миқдори (0,38-0,26%) бир-бирига яқин. Маълумки, тупроқдаги ялпи азотнинг миқдори гумус миқдorigа узвий боғлиқ бўлиб, унинг ялпи миқдори ўрганилган тупроқларнинг ҳайдов қатламида қарийб бир хил, яъни 0,055%-0,062% ни ташкил қилади. Қуйи қатламларга қараб унинг миқдори камайсада, туманлар ўртасида кескин фарқ кўринмайди. Ялпи фосфор миқдори бўйича худди юқоридагидай қонуниятлар такрорланиб, туманлар бўйича ялпи фосфор миқдори бир-бирига жуда яқин (0,31-0,21%). Бу ҳолат ўтказиладиган агротехник тадбирлар ва бериладиган минерал ўғитларнинг вилоят бўйича бир текисда тақсимланишидан далолат беради.

Ялпи калий миқдори бўйича ҳам туманлар миқёсида кескин фарқ сезилмайди (2,8-2,0%), фақатгина Қоракўл тумани тупроқларининг пастки қатламларида бошқа туманларга нисбатан унинг миқдорини 2-2,5 баравар камлиги кузатилади (жадвал). Тупроқ таркибидаги ҳаракатчан азот (N-NO<sub>3</sub>) нинг миқдори бўйича ҳам кескин фарқлар сезилмасда, маълум даражада уларнинг фарқини кўриш мумкин. Масалан, Вобкент тумани тупроқларининг ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида нитратнинг миқдори 46-47 мг/кг ни, Жондор туманида 58-50 мг/кг ни, Когон туманида 47-26 мг/кг ни ва Қоракўл туманида 50-47 мг/кг ни ташкил қилади. Вобкент, Когон ва Қоракўл туманлари тупроқларининг пастки қатламларида нитратнинг кескин камайиши кузатилсада (26-12 мг/кг), Жондор тумани тупроқларининг пастки қатламида унинг миқдори 2-2,5 баравар (47-26 мг/кг) кўп.

Ҳаракатчан фосфор миқдори бўйича Когон ва Қоракўл туманлари тупроқларининг ҳайдов қатламида (47-58 мг/кг), Вобкент ва Жондор туманларида (11 мг/кг) унинг миқдорини нисбатан кўплиги билан ажралиб туради. Ўрганилган тупроқлардаги алмашинувчи калийнинг миқдори ҳайдов (140-108 мг/кг) ва пастки қатламларидаги (60-118 мг/кг) миқдори бир-бирига яқин бўлсада, асосан кам таъминланганлик даражасида қайд этилди. Бухоро воҳаси эскидан суғориладиган ўтлоқи тупроқларида CO<sub>2</sub> карбонатлар миқдори бўйича кесмаларда деярли бир текисда тақсимланган ва 6,75 дан 7,35% ни ташкил этади. Бухоро воҳаси ўтлоқи тупроқларининг гумус ва озика моддалари захиралари маълумотлари солиштирганда, кўзга ташланарли ва қизиқарли ҳолатни кузатиш мумкин. Маълумотларининг кўрсатишича, тавсифланаётган тупроқларда суғориш даврийлигини ошиб бориши билан гумус захираси ва озика моддалар миқдори ошиб боради. Вобкент тумани ўтлоқи тупроқларида гумус захираси 0-27 см қатламда 32,2 т/га тенг, худди шундай Жондор тумани ўтлоқи тупроқларнинг 0-35 см қатламида 37,5 т/га, Когон туманида 0-25 см қатламида 21,5 т/га, Қоракўл туманида 0-35 қатламида 40,3 т/га ни ташкил этади. Суғориш даврийлигини озика моддалар (азот ва фосфор) га таъсири ҳам кўзга ёрқин ташланади. Жумладан, кесма чуқурлигидаги (155 см) суғориладиган ўтлоқи тупроқларда умумий азот захираси Вобкент туманида 0,9 дан 1,9 т/га гача, умумий фосфор захираси 5,0 дан 11,8 т/га гача, умумий калий захираси 43,7 дан 108,0 т/га гача, Жондорда умумий азот захираси 1,9 дан 3,2 т/га гача, умумий фосфор захираси 6,5 дан 14,5 т/га гача, умумий калий захираси 51,4 дан 106,5 т/га гача, Когонда умумий азот захираси 0,6 дан 2,3 т/га гача, умумий фосфор захираси 4,6 дан 10,9 т/га гача, умумий калий захираси 48,6 дан 104,9 т/га гача, Қоракўлда умумий азот захираси 2,7 дан 1,6 т/га гача умумий фосфор захираси 8,4 дан 13,6 т/га гача, умумий калий захираси 63 дан 93,8 т/га гача бўлиши кузатилди.

**Хулоса ва ишлаб чиқаришга тавсиялар.** Изланиш олиб борилган туманлар тупроқларида гумус, озика моддалар (азот, фосфор, калий) захираси бўйича кескин фарқ қилмасда, туман тупроқлари ўртасида бирмунча фарқланишини кузатиш мумкин. Тупроқларнинг ҳайдов қатламидаги гумус миқдорининг Вобкент, Жондор, Қоракўл туманларида (0,94–0,80%) Когон туманига (0,62%) нисбатан бирмунча кўпроқ миқдорларини ташкил этиб, пастки қатламларга қараб унинг миқдори камайиб бир-бирига яқин (0,38–0,26%) кўрсаткични намоён қилади. Суғориш даврийлигини озика моддаларига (азот, фосфор ва калий) таъсири ҳам кўзга яққол ташланиб, умумий азот захираси гектарига 0,6–3,2 т/га,

фосфор 4,6–14,5 т/га, калий 43,7–108,0 тоннани ташкил этиши кузатилди. Бухоро воҳасининг суғориладиган тупроқларининг мелиоратив, агрокимёвий ҳолатлар ва унумдорлигини яхшилаш учун уларнинг сув-физикавий, сув ўтказувчанлик, механик таркибини ҳисобга олган ҳолда самарали алмашлаб экиш тизимларидан, табақалаштирилган ер текислаш, чуқур юмшатиш, шўр ювиш ва суғориш, органик ўғитлардан ва органик моддалар билан бойитадиган экинлардан кенг фойдаланиш тавсия этилади. Ерларни емирилишини бартараф қиладиган, гумус миқдорини оширадиган, тупроқларни шўрланишини камайтирадиган, тупроқ намлигини 3-5 % кўп сақлайдиган, органик моддалар тўпланиши ҳисобига микроорганизмлар сонини оширадиган, ёмғир чувалчанглари яхши ривожланадиган, техника харажатлари тежаландиган, фермерлар даромадини ва қишлоқ хўжалиги экинларининг иқтисодий самарадорлигини оширадиган технологияси яъни кам ишлов бериш ва мулчалаш технологиясини жорий қилиш тавсия этилади Ушбу технология сувни, тупроқни ва энергетик ресурсларни тежайди. Бу агротехнология жорий қилинганда тупроқлар унумдорлиги тикланади, яхшиланади, унда органик модда ва асосий озика элементлари миқдори йилма-йил ортиб боради, минерал ўғитлар сарфини 30-40% ва ундан кўпроқ, органик ўғит сарфини 2-3 марта тежаш имконини беради, ғўзадан 3-5 ц/га, кузги буғдойдан 8-10 ц/га қўшимча ҳосил олиш мумкин бўлади. Ҳосилдорлик 10% гача, фермер хўжалигининг даромади 30% гача ортади, суғориш сувига талаб 20% гача, сарф харажатларнинг қисқариши 20% гача камайд.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаев С.А. Агрофизическая свойства и солевой режим орошаемых почв оазисов Бухарской области. Автореферат. канд. дисс.- Ташкент. 1975. – 34 с.
2. Артикова Х.Т. Бухоро воҳаси тупроқларининг эволюцияси, экологик ҳолати ва унумдорлиги. Автореферат биолог факультети доктори (DSc). – Тошкент. 2019 -62 б.
3. Гафурова Л.А., Шарипов О.Б., Махкамова Д.Ю., Аблакулов, Курбанов М. Некоторые агротехнологии повышения плодородия орошаемых луговых аллювиальных почв пустынной зоны - Москва – Белгород, 2016. – С.109-110.
4. Қўзиёев Р.Қ., Бобомуродов Ш.М. Зарафшон куйи оқими суғориладиган тупроқлари ва уларнинг унумдорлигини ошириш йўллари. -Тошкент. “Фан”. 2004,- 120 б.
5. Курвантаев Р., Назарова С.М. Агрофизическая характеристика орошаемых луговых почв Бухарского оазиса. // Современные тенденции в научном обеспечении агропромышленного комплекса: Коллективная монография. [редкол.:Л.И Ильин и др.; отв за вып. В.В.Огорков]. - Иваново, 2019. – С. 91-95.
6. Назарова С.М. Бухоро воҳаси суғориладиган ўтлоқи тупроқларининг ҳозирги давр агрофизикавий ҳолати. Автореферат қишлоқ хўжалиги факультети доктори (PhD). –Тошкент, 2019 - 44 б.
7. Nazarova SM, Kurvantaev R. Old-irrigated meadow alluvial soils of the Bukhara oasis. // Soil science - food and environmental security of the country VII Congress of the Society of Soil Scientists named after V.V.Dokuchaev. Materials of reports. Part 1. - Moscow-Belgorod, 2016. - Pp.268-269.

УЎК: 579.8:582.288

### ЎРТА ТОЛАЛИ ҒЎЗАНИНГ ЎЗФА-711 НАВИГА ХОС БЎЛГАН АЙРИМ ХЎЖАЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ БИР НЕЧА АВЛОДЛАРДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ

*А.Э.Ҳақимов, кич.и.х., ЎзР ФА Генетика ва ЎЭБИ, Тошкент*

*О.Р.Эргашев, PhD, кат.и.х., ЎзР ФА Генетика ва ЎЭБИ, Тошкент*

*С.Д.Раҳмонов, эркин тадқиқотчи, ЎзР ФА Генетика ва ЎЭБИ, Тошкент*

**Аннотация.** Мақолада ўрта толали ғўзанинг ЎзФА-711 навиға хос бўлган етти авлод ўсимликларида бир кўсакдаги пахта вазни, тола чиқими ва узунлиги белгиларининг ўртача кўрсаткичларини намоеън бўлишини аниқлаш натижалари ёритилган. Маълум бўлишича, таҳлил этилган учала белги кўрсаткичларида ҳам йиллар давомида кескин ўзгариш кузатилмаган. ЎзФА-711 нави андозага нисбатан бир кўсакдаги пахта вазни белгиси бўйича деярли бир-бирига яқин, тола чиқими ва узунлиги кўрсаткичлари қиёсланганида эса ижобий тусланиши барча тадқиқот йилларида аниқланган. Мақола сўнгида таҳлил этилган ғўза навидан айрим муҳим хўжалик кўрсаткичлари бўйича андоза навидан ижобий фарқланувчи